

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Фарғона вилояти божхона  
бошқармаси бошлиғи  
Ўринбосари, божхона хизмати  
полполковниги**



**А.Хасанов**  
**2022 йил**

**Фарғона вилояти божхона бошқармаси тасарруфидаги “Ўзбекистон” ва  
“Фарғона” чегара божхона постларига таранга қарши мосламаларни  
ўрнатиш бўйича**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Фарғона – 2022 йил**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### II. Техник қисм

### III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

#### 1. Танлов предмети:

“Ўзбекистон” чегара божхона пости Қувасой шаҳар Полмон маҳалла фуқаролар йиғини Носиробод қишлоғида жойлашган.

“Фарғона” чегара божхона пости Фарғона тумани, Юқори Водил қишлоқ фуқаролар йиғини Яхши ният маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган божхона постларига таранга қарши мослама ўрнатиш.

1.2. Танлов қиймати **448 000 000 (тўрт юз қирқ саккиз миллион)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган ишлар бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланиб 30 % аванс маблағ пудратчига ўтказилгандан кундан бошлаб 30 календарь кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. Танлов ташкилотчилари

2.1. Фарғона вилояти божхона бошқармаси (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 52 “А”-уй, телефон: (73) 249-07-00; факс:(73) 244-67-32

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. Танлов иштирокчилари

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок

этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда <https://xarid.uzex.uz/> порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

#### **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. Бошқа шартлар**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Ҳарбий сафарбарлик,  
жанговар тайёргарлик ва  
қўриқлаш бўлими бошлиғи,  
божхона хизмати майори**

**А.Ахмедов**

**Моддий техника таъминоти  
бўлими бошлиғи, божхона  
хизмати майори**

**Н.Ахмадалиев**

**Капитал қурилиш гуруҳи  
бош инспектори, божхона  
хизмати капитани**

**Д.Холматов**